



# ДОНОЛАР ХАЗИНАСИДАН



«УЌИТУВЧИ»

# ДОНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

Тўплаб, қайта ишлаб, нашрга тайёрловчи  
*ЗИКРИЛЛА ЭГАМБЕРДИЕВ*

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ  
Тошкент — 1978

Зикрилла Эгамбердиевнинг «Донлар хазинасидан» деб номланган ушбу китобчада халқнинг бебаҳо бойлиги — нақллар, ибратли ҳикоячалар тўпланган. Инсоннинг ахлоқий фазилатлари ҳақида, таълим-тарбиянинг халққа хос донишмандона тавсифи китобхонни ўзига сеҳрлаб олади.

## МУНДАРИЖА

|                                               |    |
|-----------------------------------------------|----|
| Фарзанд яхши, одоби ундан яхши . . . . .      | 4  |
| Ҳар ким ўз савиясига яраша сўзлайди . . . . . | 7  |
| Иш қилсанг, пухта қил . . . . .               | 11 |
| Маслаҳатли иш тарқамас . . . . .              | 14 |
| Оқила эгачи . . . . .                         | 14 |
| Қайғуга ботманг . . . . .                     | 15 |
| Сўз билганга не етсин . . . . .               | 18 |
| Яхши сўз ёки матлуб амал билан . . . . .      | 20 |
| Номатлуб хулқ ва атвор ҳақида . . . . .       | 27 |
| Оналар ҳақида . . . . .                       | 29 |
| Табассумга мойилмисиз . . . . .               | 31 |
| Ҳар тўғрида . . . . .                         | 32 |

*На узбекском языке*

## ИЗ СОКРОВИЩНИЦЫ МУДРЫХ

Составление и обработка текстов  
произведены *Зикрилла Эгамбердиевым*

*Издательство «Ўқитувчи»  
Ташкент — 1978*

Редактор *У. Нишонов*  
Техредактор *С. Ахтимова*  
Корректор *Н. Бобожонов*

ИБ № 847

Теришга берилди 23. 03. 1978 й. Босишга рухсат этилди 4. 09. 1978 й.  
84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub> № 3. Тип. қоғози. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида бо-  
силди. Шартли б. л. 1,89 Нашр л. 1,5. Тиражи 40000. Р 12547. Зак. № 508.  
Баҳоси 5 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси. 30, Шартнома 343-77.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари  
Давлат Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлаш-  
масига қарашли 2-босмахона. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44. 1978 й.

Типография № 2 Ташкентского полиграфического производственного  
объединения «Матубет» Государственного Комитета УзССР по делам изда-  
тельств, полиграфии и книжной торговли. Янгийўл, ул. Самаркандская, 44.

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1978.

Э 6051—260  
353(06) — 78 205 — 78

Ақл бир тирик жонки, билмас завол,  
Ақл — турмуш, асли буни ёдлаб ол.  
Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўктамлик,  
Ақлдан борлигу, йўқлигу, камлик,  
Киши иш қиларкан беақлу идрок,  
Бўлур қилмишидан юрак бағри чок.

*Абулқосим Фирдавсий*

## ФАРЗАНД ЯХШИ, ОДОБИ УНДАН ЯХШИ

Бир доно қошига олти ойлик болани олиб келишди.

— Болани қандай тарбия қилиш керак?— деб сўрашди ота-она.

— Болангиз неча ойлик бўлди?

— Олти ойлик.

— Аттанг, тарбия қилиш учун кеч қолибсизлар,— деб жавоб берди доно.

\* \* \*

\*

Дўстлар даврасида ота ўғлига

— Мушугимиз туғибди, бориб хабар олиб кел,— деди.

Бола қайтиб келиб:

— Учта бола туғибди; иккитаси олапар, биттаси кул ранг. Иккитаси ўғил, биттаси қиз. Уччовининг ҳам кўзи очилибди....

Гап шу ерга келганда ота:

— Ишни бунақа пишиқ бажариши мендан,— деди.

Бола гапида давом этиб:

— Овқат товоғини ювиб, тозалаб қўйдим, энди идишга сут қуйиб келаман,— деди.

Ота:

— Боламнинг бу одати онасидан,— деди фахрланиб.

\* \* \*

\*

Бир йигитча чопонининг этаклари билан этигини яхшилаб артди...

Буни кўриб турган бир кекса киши:

— Этикни ўз пулига сотиб олган, чопон дадасининг пулига келган,— деди.



Бир одамнинг ўғли ишёқмас чиқди. У фарзандини меҳнатсеварликка ўргатиш пайига тушди. «Ўз кунинг-ни ўзинг кўргин»,— деди. Бола иш ахтариб кетди, лекин меҳнатга бўйни ёр бермай, кечгача саланглаб юрди-да, кечқурун бўшашиб қайтиб келди. Бечора онаизор раҳми келиб, унинг қўлига бир танга тутқазиб: «Отангга бер»,— деди. Отаси у бир тангани ёниб турган ўт ичига отди. Бола пинагини бузмай ўтираверди. Бу воқеа иккинчи куни ҳам такрорланди. Учинчи куни бировга мардикор тушди, кечгача қора терга ботиб ишлаб, атиги бир танга топди. Тангани қўярга жой топсмай, гоҳ липпасига қистирар, гоҳ қўлига олиб томоша қилар эди. Отаси унинг бу тангасини ҳам олди-да, ўчоққа улоқтиргандай бўлди. Қараса, фарзанди ўзини оловга урмоқчи, тангани олмоқчи. Шунда ота:

— Ҳай, ҳай, тўхта, ўчоққа тош отдим. Мана пулинг,— дея тангани ўғлига қайтариб берди.— Ана кўрдингми,— деди ота гапида давом этиб,— пешана тери билан топилган нарса шунақа азиз ва қадрли бўлади...



Ота ўғлига:

— Битта чой дамлаб кел,— деди. Ўғил: «Хўп бўлади», деб ўрнидан туриб кетди. Кўп вақт ўтмай, чойни дамлаб келиб, уни бир марта қайтарди-да, пиёлага қуйди. Сўнг дадасига пиёлани узатиб:

— Марҳамат,— деди.

Ота пиёлани олиб, чойни ҳўплар-ҳўпламас:

— Сув яхши қайнамаган экан; чой шўрва эдимиз, пиёлани тўлдириб қуйдинг. Сўнг чойни бир марта эмас, уч марта қайтар. Бир қайтарсанг лой бўлади, икки қайтарсанг чой бўлади, уч қайтарсанг мой бўлади,— деди.



Ота ўғлига чақа пул бериб:

— Ўзимизга, сигиримизга, товуқларимизга егулик бирор нарса харид қил,— деди.

Ўғил ўйлаб-ўйлаб, охири битта қовун сотиб олди-да:

— Дада, қовунни ўзимиз еймиз, пўчоғини сигирга, уруғини товуқларга берамиз,— деди.

Ота:

— Балли, ўғлим,— деди.

\*       \*

\*

Бир донишманд, пири бадавлат кекса бор эди. У киши қариндош-уруглари, болалари, невараларининг оила тутишини синаб кўрмоқчи бўлди. Атторлардан, боққоллардан сақич, хина, сирға ва яна турли-туман нарсалар сотиб олиб келди. Қараса, бир тўп қизалоқ «зум-зум» ўйнаётир. Кекса ўтириб, тугунини ечди.

— Бу нарсаларни қийқиндига алмаштираман,— деди.

Қизлар дув этиб уй-уйларига кириб кетишди. Сўнг бирин-кетин бири бўз, чит, бири мовут, яна бири ипак қийқим олиб чиқаверди... Лекин бир қизалоқ оёғининг учи билан ерни чизиб, бир четда тураверди.

Кекса унга қараб:

— Сенга ҳеч нарса керак эмасми, қизим?— деди.

— Биз қийқиндиларни унақа ташлаб юбормаймиз, бирор нарсага яратамиз, жуда бўлмаса, улардан қуроқ тикамиз,— деди қизча.

Кекса эса бу гапдан хурсанд бўлиб:

— Балли, доно қиз экансан. Фаровонлик — тежам-корликдан, деганлари шу-да,— деди.

Чол қизалоққа ҳам олиб келган нарсаларидан ҳадя берди.

\*       \*

\*

Бир донишманд ўғлини ўйлантириш учун эсли-ҳушли қиз ахтарар эди. У ўғлини ўзи билан олиб юриб, уни гоҳ гузарда, гоҳ бозорда, ишқилиб одам гавжум жойларда қаттиқ койир эди. Одамлар: «Ўғлингиздан нега хафа бўляпсиз?»— деб сўрасалар: «Ўғлим айтганимни қилади»,— деб жавоб берар эди. Бошқалар ҳайрон бўлиб: «Ўғлингиз яхши экан, айтганингизни қилар экан»,— дердилар.

Кунларнинг бирида ота боласини яна уришиб тур-

ган эди, бир қиз: «Уришинг, койинг, қачонгача айтганингизни қилади-ю, айтмаганингизни қилмайди»,— деди.

Ота билан ўғилга бу қиз ёқди. Ота совчи юбориб, шу қизни ўғлига олиб берди.

\*       \*

\*

Бир доно янги ва ёш шогирдига:

— Мана бу нон билан чучварани фалончи дўстимга элтиб бер,— деди.

Шогирд йўл-йўлакай чучварани еб борди. Манзилга етиб, омонатни топширган бўлди. Орқасига қайтар экан, устодининг дўсти: «Ой — бутун, юлдуз — ягон-ягон»,— деди.

Шогирд бу сўзларни ўз мураббийсига айтди.

— Аттанг, андак омонатга хиёнат бўлибди,— деди устод.

Чунки дўсти бежиз: «Ой — бутун, юлдуз — ягон-ягон» деб юбормаган, бу унинг «нон бутун-у, аммо чучваралар камайиб қолибди» дегани эди.

\*       \*

\*       \*

Бир ёшгина қизча қўшнисиникидан чўғ сўраб чиқибди.

— Олақол, қизим, лекин куракчанг йўқ-ку, қандай қилиб олиб чиқиб кетасан?— дебди қўшни кампир.

— Рухсат бўлса бас, у ёғи осон,— дебди қизча.

Қизалоқ кафтига кул ёзиб, кул устига чўғ қўйиб, бемалол кетаверибди.

Шунда қўшни:

— Ақлингга балли, қизим, деб орқасидан ҳавас билан қараб қолибди.

## ҲАР КИМ ЎЗ САВИЯСИГА ЯРАША СЎЗЛАЙДИ

Бир дононинг қошига уч киши кириб келибди:

— Биз уччовимиз сафарга чиқиб эдик,— деб сўз бошлабди улардан бири,— бир-биримизни танимас



эдик. Менинг чўнтагимдаги пул ғойиб бўлибди. Қандай қилиб йўқолганини билмайман,— дебди.

Доно: «Пулингиз топилади»,— дебди-да, уларни меҳмон қилибди. Сўнг узоқдан-узоқ бир ҳикоя бошлабди. Ҳикоя мазмуни шундай:

Бир келин дугоналари билан куёвникига отланибди. Ўрмонда қароқчиларнинг қўлига тушибди. Қароқчилар қизнинг бутун сепини тортиб олишибди. Шунда келин қароқчиларнинг бошлиғига ялинибди, ёлворибди, раҳм қилишини ўтиниб сўрабди. Қароқчилар бошлиғининг раҳми келиб, уларни озод қилиб юборибди, мол-дунёсини ҳам қайтариб берибди. Гап шу ерга етганда биринчи ҳамроҳ:

— Мард қароқчи экан,— дебди.

Иккинчи ҳамроҳ:

— Мол-дунёси бир-икки минг тилла келар,— дебди.

Учинчи ҳамроҳ эса:

— Аттанг, шунча мол-дунёни қайтариб ўтирибдими?— дебди. Доно шу учинчи ҳамроҳни ташқарига таклиф қилиб:

— Ҳамроҳингизнинг пулини қайтариб беринг, осойишталик барпо қилиб, пулни эгасига топширай,— дебди.

Бу ҳамроҳ узр сўраб, пулни қайтариб беришга мажбур бўлибди...



Бир донишманднинг болалари:

— Дада, сиз ундоқ десангиз, Рашид ака бундай деяптилар, Манноб ота эса, яна бошқача сўзлайдилар; нега ҳар ким ҳар хил сўзлайди,— дебдилар.

Донишманд: «Менинг ортимдан юринглар, кишиларнинг гапига қулоқ солинглар»,— дебди-да, эшагини миниб, йўлга чиқибди.

Гузардан ўтишаётган экан, одамлар:

— Қаранглар, чол миясини еб қўйибди, ўзи эшакка миниб, ёш болаларни яёв ҳайдабди,— дейишибди. Ота эшакдан тушибди. Болаларини миндириб, йўлга равона бўлибди. Шунда одамлар:

— Қаранглар, чол эсини еб қўйибди, ўзи яёв юриб, болаларини эшакка миндириб қўйибди,— дебдилар.

Донишманд болаларини эшакдан туширибди, ҳам-малари пиёда кета бошлашибди. Бунни кўрган одамлар:  
— Анавларни қаранглар, тайёр эшакка минмай, пиёда кетишаётибди,— деб қаҳ-қаҳ уришибди.

Шунда доно ота болаларига:

— Эшитдингизларми, болаларим, ҳар каллада ҳар хаёл,— дебди.

\* \*  
\*

Зўр бир рассом Искандар Зулқарнайнинг расмини чизибди. Бу расм ҳаммага маъқул бўлибди. Фақат Искандар Зулқарнайн рассомнинг ҳурматини у қадар жойига қўймабди. Иттифоқо, фотеҳнинг оти шу яқин орада турган экан, у расмни соҳибнинг ўзи деб ўйлаб, кишнаб юборибди. Рассом бунни кўриб:

— Ҳазратим, от санъатни сиздан кўра яхшироқ тушунар экан,— дебди.

Ўша Искандар ёшлигида кифара чалишни ўргана бошлаган эди. Бир куни ўқитувчи унга қўшиқ оҳанги талаб қилган торга таёқча уришни буюрди. Искандар эса бошқа торни кўрсатиб деди:

— Агар мана бунга урсам, нима ўзгаради?

— Мамлакатни бошқаришга тайёрланаётган киши учун ҳеч нима, чинакам маҳорат билан чалишни ўрганмоқчи бўлган киши учун эса, кўп нарса ўзгаради...

\* \*  
\*

Бир машҳур мусаввир бир асари устида етти йил ишлабди. Замонасининг яна бир аъжойиб рассоми суратни кўргани келиб, бир муддат тикилиб қолибди, чунки рассом нияти ўз улуғворлиги билан уни лол этибди. Сўнгра у:

— Улуғвор иш. Мусаввири қилқалам экан, фақатгина жозиба етишмабди. Агар шу ҳам бўлганида, уни кўкларга кўтарса арзирди,— дебди.

\* \*  
\*

Бир файласуф дарс айтиб бўлгач, шогирдидан:

— Айтганларимга тушундингми?— деб сўрабди.

— Ҳаммасига тушундим,— деб жавоб берибди шогирд.

— Ёлгон гапиряпсан, тилинг «тушундим» деяпти, лекин афтинг «тушунмадим» деяпти. Билиш, тушунишнинг энг аниқ белгиси — шогирднинг юзидаги шодлик аломати бўлади,— дебди устод.

\*       \*

\*

Одамлар гузардаги ямоқчидан:

— Қандай қилиб сиз ҳамма нарсадан хабардорсиз, ҳаттоки кечаги тушган келиннинг ҳам хулқ-атворини биласиз?— деб сўрашди.

Ямоқчи:

— Ҳамма нарсадан мени ўзларингиз хабардор қиласизлар. Юриш-туришларингиз, кийим-кечакларингиз, муомала ва ҳаттоки кўча эшикларингиз сизнинг кимлигингизни айтиб туради,— деб жавоб берди.

\*       \*

\*

Кишининг хулқ-атворини дўсти билан гаплашиб билса ҳам бўлади.

Бўлмиш куёвни ахтариб кимдир уни сўраб келди. Унга «куёв йўқ» дедилар. Шунда ҳалиги кимса:

— Куёв йўқ бўлса, унинг бирор дўстини кўрсатинглар, суҳбатлашайлик,— деди.

Бу билан у: «Куёвнинг дўсти — унинг акс-садоси», яъни ўхшатмасдан учратмас» деб ўйларди.

\*       \*

\*

Бир уйни ўғри уриб кетди. Бир кишидан гумон қилиб, ушлашди. Лекин у айбини асло бўйнига олмади. Шу пайт даврада ўтирган бир доно кекса:

— Мана бу жойни қазинглар,— деб ҳассаси билан бир ерни кўрсатди. Гумон билан ушланган киши беихтиёр «оҳ» деб юборди. Ўша ер қазиб кўрилса, ўғирланган мол чиқди.

Одамлар мўйсафиддан:

— Молнинг кўмилган жойини қандай билдингиз?— деб сўрашди.

— Бу номард шу жойдан икки кўзини узолмас эди,— деб жавоб қилди у.

\*       \*

\*

Икки амакивачча бўлган экан: бири новча, иккинчиси пакана. Замонанинг зайли билан пакана катта бир амалга минибди-ю, бурни кўтарилиб қолибди.

Оддий косиб бўлган иккинчи амакивачча — новча қаддини букиброқ юрар, икки қўлини кўксига қўйиб, ҳаммага тавозе билан салом берар экан.

Кунларнинг бирида амакиваччалар ёнма-ён кетишаётган экан, иттифоқо уларнинг олдидан бир чоҳ чиқиб қолибди: новча юрар йўлига қараб кетаётганлиги учун чуқурни кўрибди-да, бир сакраб ўтибди, осмонга қараб, эран-қаран қилиб бораётган пакана эса, чоҳга тушиб кетибди.

## ИШ ҚИЛСАНГ, ПУХТА ҚИЛ

Бир ота ўғилларига:

— Қаранглар, ана ўша ёқдан чанг-тўзон кўтарилди, бирингиз бориб билинг-чи, нима гап?— деди.

Бир ўғли от миниб, тўзон томон кетди. Бир оздан сўнг ота иккинчи ўғлини ҳам шу мақсад билан юборди. Ота дам олиб ўтирар экан, биринчи ўғли қайтиб келиб:

— Ота, биров пода ҳайдаб келяпти,— деди.

Бир нафас ўтар-ўтмас иккинчи ўғил ҳам етиб келди:

— Фалончи бой, мунча совлиқ, мунча тўқли, мунча қўчқор ҳайдаб келяпти. Тўртта подачиси, иккита ити ҳам бор. Фалон бозорга олиб бориб сотар экан...— деди.

Шунда ота: «Ишни қилсанг, мана бундай пухта қил!»— деб биринчи ўғлига боқди.

\*       \*

\*

Афлотун ёшлигида шеърят санъатига кўнгил қўйган ва дostonлар ёзган. Кейинчалик Гомер асарлари олдида ўзининг асарлари анча бўш эканлигини сезгач,

уларни нафрат билан ёқиб юборган. Шундан сўнг Афлотун трагедия жанрида асар яратди. Бу асари билан мусобақаларда қатнашишга аҳд қилди ва уни актёрларга берди. Аммо Дионисий байрамга яқин қолганда у тасодифан Сукротнинг нутқини эшитиб қолди. Афлотун шу дақиқадаёқ қарорини ўзгартирди. У драматик мусобақаларда қатнашишдан воз кечибгина қолмай, шеър ёзишни бутунлай ташлаб юборди ва ўз умрини фалсафага бағишлади...

\* \* \*

Бир донишманд бир ношуд ёяндознинг ишонга уролмаётганини кўриб, нишоннинг ёнига бориб турибди. Йиғилганлар ундан:

— Нега бундай қиласиз? — деб сўрашибди. Донишманд уларга:

— Ўқ менга тегиб кетмасин, деб эҳтиётдан келиб турдим, — деб жавоб берибди.

\* \* \*

Қадим замонда иш ёқмас, танбал бир йигит ўтган экан. У кеча-кундуз: «Қандай қилсам бой бўларкинман?», — деб ўйлар экан. Кунлардан бир кун у бир донишмандга учраб, арз қилибди. Донишманд танбал йигитга бундай деб маслаҳат берибди:

— Бойиш учун кўп риёзат чекмоқ керак. Тур деган тоққа чиқасан, у ерда хазина бор, хоҳлаганингча оласан. Аммо ақлингни ишлат, ақл йўқ ерда бойлик бўлмайди.

Донишманддан бу маслаҳатни эшитган танбал йигит: «Ҳа, йўлини топдим, энди бойиб кетаман деди-да, Тур тоғи қайдасан», — деб йўлга равона бўлди. Чўлда кетаётиб, у бир Бўрига дуч келди:

— Эй йигит, йўл бўлсин? — деб сўради Бўри.

— Тур тоғига кетяпман, бойлик олиб келмоқчиман, — жавоб берди танбал. Буни эшитиб, Бўри йигитдан илтимос қилди.

— Кеча-кундуз елиб югураман, у-бу учраб, овим барор олса, бир нима ейман, бўлмаса, ҳафталаб оч юраман. Тур тоғидан сўраб кўр, қани менга ҳам аталган ризқ-рўзи бормикин?

Йигит: «Хўп»,— дея яна йўлга равона бўлди. Бир адирда қари боғбонга дуч келди. У йигитдан «Йўл бўлсин» деб сўраган эди, танбал мақсадини айтди. Боғбон: «Ўғлим, бир таноб боғим бор, узум бермайди, шунинг сабабини Тур тоғидан сўраб кел»,— деди.

Йигит чолга ҳам ваъда бериб кетаверди. Бир қирда ов қилиб юрган подшо билан вазирга дуч келди. Подшо унинг Тур тоғига кетаётганини эшитиб, деди:

— Ов қилаётганимда, ўндан тўққиз ўқим зое кетади, сабабини билиб кел.

Йигит йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Тур тоғига етиб борди. Лекин тоғда ҳеч қанақа бойлик тополмади. Бир тош остидаги чайлада бир донишманд чол ўтирарди. Йигит унга салом бериб айтди:

— Ота, мен бу ерга бойлик ахтариб келгандим. Ҳеч қанақа бойлик йўқ экан...

Йигит йўлда учраган Бўри, боғбон чол ва подшонинг ўзига берган саволларини чолга айтди.

Донишманд чол йигитга жавоб бериб, деди:

— Бўрига ризқ йўқ, учратганини тутиб ейди. Боғбон чолнинг боғига тўрт хум тилло кўмилган, шундан маст бўлган тоқлар ғовлайди-ю, узум қилмайди. Энди подшога айт, у эркак кийимида юрган қиз, агар эрга чиқса, ови юришади, ана энди боравер, бу ерда бойлик йўқ, уни меҳнат ва ақл билан топасан. Бойлигинг, бахтинг — олдинда.

Йигит: «Ҳа энди бойлик олдинда экан, уни топиб оламан»,— деб кетаверди. У йўлда подшога учраб, чолнинг жавобини айтган эди.

Подшо қиз:

— Бу сирни сен-у мен билайлик, мени хотинликка ол,— деди. Йигит эса: «Йўқ, менинг бойлигим — олдинда» — деб кетаверди. Боғбонга учраб, жавоб айтди. Боғбон:

— Яша, ўғлим, тиллаларни қазиб олайлик, менинг ўғлим бўлиб қол, бўйи етган қизим бор, уни сенга бераман,— деди.

Танбал йигит: «Йўқ бойлигим — олдинда»,— деб кетаверди. Йўлда бўрига учради. Йигит Бўрига донишманд чолнинг жавобини айтган эди Бўри: «Учратганим — сен экансан»,— дея танбал йигитни босиб олиб бир зумда еб қўйди.

## МАСЛАҲАТЛИ ИШ ТАРҚАМАС

Бир одамнинг қизига икки йигит совчи қўйди. Буларнинг бири камбағал, иккинчиси бой эди. Ота қизига: «Камбағалга тег»,— деб маслаҳат берди.

— Сабаб, дадажон?— сўради қизи.

— Иккаласини ҳам танийман. Бой куёв — текинхўр ва аҳмоқ. У тезда камбағаллашиб қолади. Камбағал куёв — меҳнаткаш ва доно, у сени бахтиёр қилади, деди ота.

## ОҚИЛА ЭГАЧИ

Бир йигит бир қизга ошиқ экан. Лекин қиз йигит ишқини қатъий рад этар экан. Қизнинг энагалари «эр бевафо бўлади», деб қуйидаги нақлни унинг қулоғига қуйишган экан:

Мода қуш бола очибди, лекин ўрмонга ўт кетиб, қуш ўз болалари билан куйиб кетибди. Нар қуш эса, ўт кетиши биланоқ парвоз қилиб, қаёққадир ғсйиб бўлибди.

Йигитнинг оқиладан бир эгачиси бор экан, дардига оро кирибди.

— Уйингга наққошларни келтир,— дебди у. Ўрмонга ўт тушиб, мода қушнинг болалари билан бирга куйиб кетаётганини тасвирлашсин. Лекин нақшнинг бир четида эркак қушнинг лочин чангалига тушиб қолганини ҳам кўрсатишсин.

Шу нақшлар битгач йигитнинг эгачиси қизни меҳмонга чақирибди. Қиз нақшларни томоша қилар экан.

— Нар қуш лочин чангалига тушиб қолган эканда, шу сабабли бечора модаси билан чақаларидан хабар ололмаган экан,— деб ўйлабди. Шу кундан эътиборан қизнинг кўнгли йигитга мойил бўла бошлабди. Кўп вақт ўтмай, йигит билан қиз бир ёстиққа бош қўйишибди.

\* \* \*

Бир мамлакат подшосининг тасарруфидаги ерларга бошқа мамлакат подшоси бостириб кирибди. Биринчи мамлакат подшосининг жанг қиладиган чоғи йўқ экан. Нима қилишини билмай, гаранг бўлиб қолибди.

— Подшоҳи олам, урушга кираверинг, лекин жангдан сўнг душманга ош-нон тортинг, отларига эса ем-хашак беринг. Бир-икки кун шундай тадбир кўрсак, душман ҳайрон бўлади, сўнг сулҳ тузиб, орқасига қайтади,— деб маслаҳат берибди доно вазир...

Подшо вазир айтганидек иш кўрибди. Икки кунги оғир жангдан кейин ҳоким бош қашиб ўтирса, «элчи келди» деб қулоғига етказишибди. Элчи подшога таъзим ила мактуб узатибди.

Мактубда: «Нон-тузингизга рози бўлинг, фаровон ҳаёт кечирадиган меҳмондўст халқ билан тинч-тотув яшашни истаймиз. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом деганлар. Нон-туз ҳурмати сизни ҳам ўз диёримизда омон-эсон кўрармиз, деган ниятда остонангиздан қайтдик», деб ёзилган экан.

\* \* \*

Бир доно қўллаган тадбир ила ажрашиб кетган эрхотин қайта оила қуришган. У эрини кўриб қолса ҳам, хотинини кўриб қолса ҳам салом етказиб турган: — Ҳой қизим, эринг салом айтди.— Ҳой ўғлим, хотининг салом айтди, деб.

\* \* \*

Бир ота ўғлини сафарга кузата туриб:

— Узоқ йўлни яқин қилиш учун дўстинг бўлсин. Агар ундай ўртоқ тополмасанг, қўлингда ҳасса бўлсин. Йўл узоқ бўлса-ю, обод бўлса, шу йўл маъқул, йўл яқин бўлса-ю, нообод бўлса — бу йўлдан юрмагин; иннайкейин манзилга қош қораймай етиб олгин,— деб насиҳат қилди.

## ҚАЙҒУГА БОТМАНГ

Донолар: «Ҳар қандай мусибат ҳақидаги хабарни осойишталик, вазминлик билан тингла»,— дейдилар. Акс ҳолда, қайғу дарди кишини «бир дамда ҳалок айлагай».

Бир юнон файласуфи дўстлари билан қизғин суҳбатлашиб ўтирган эди. Бир одам: «Иккала ўғлингиз ҳам ўлиб қолди»,— деган шум хабарни келтирди.



У донишманд:

— Мен бир куни ўлиши керак бўлган фарзандларни дунёга келтирганимни билар эдим,— деди хотиржам.

\*       \*

\*

Луқмони Ҳакимдан сўрадилар:

— Энг доно ким?

Айтди:

— Ҳаёт қийинчиликларидан ғамгин бўлмаган киши.

Сўрадилар:

— Энг яхши бойлик нима?

Айтди:

— Ақл.

Сўрадилар:

— Қайси ўт ўз ёқувчисини куйдиради?

Айтди:

— Ҳасад ўти.

Сўрадилар:

— Қандай бино вайрон бўлмайди?

Айтди:

— Адолат биноси.

Сўрадилар:

— Қайси аччиқ нарсанинг сўнгги ширин?

Айтди:

— Сабрнинг.

Сўрадилар:

— Қайси нарсанинг охири аччиқ?

Айтди:

— Шошқалоқликнинг.

Сўрадилар:

— Қайси дард бедаво?

Айтди:

— Тентаклик.

\*       \*

\*

Кун ботиб, қош қорайганди. Бир дилозор йўл-йўлаккай оқил ва фозил Периклни ҳақоратлаб келаверди. Перикл лом-мим демади. Уйига етиб келганда, хизматкорини чақирди: «Машъал ёқиб, жанобни уйигача элтиб қўй»,— деди.

Табиатан хушфеъл Периклнинг юнон давлат арбоби сифатида кўтарилиши бежиз эмасди. Ёмон гаплар унинг бир қулоғидан кириб, иккинчи қулоғидан чиқиб кетарди.

\*       \*

\*

Бир хоннинг жаҳли бурни устида турар, шунинг учун арзимаган нарсадан асабийлашиб, нотўғри қарорга келар экан. Иш бу аҳволда давом эта берса, ёмон оқибатларга олиб келишини пайқаган вазир бир тадбир қўллабди, «Жаҳл келса, ақл кетади» деб хоннинг рўпарасидаги деворга ёзиб қўйибди.

Шундан сўнг хон нима қилмасин, нима демасин, беихтиёр деворга боқадиган, ўйлаб сўзлайдиган, ҳукм чиқарадиган бўлиб қолибди.

\*       \*

\*

Бир оила аза тутар эди. Эшикни тақиллатиб, азадан беҳабар бир меҳмон келиб қолди. Дўстлар самимий учрашишди, дилкашлик қилишди. Палов ҳам тортилди. Меҳмон хайрлашиб, «Раҳмат дўстим» дея йўлга равона бўлди. У кўчадан кетатуриб: «Нега дўстим хориган, кўзлари чўккан» деб ўйларди.

\*       \*

\*

Жаҳли чиққан Искандар Зулқарнайнни тинчлантириш ва ҳушёрлантириш учун Арасту унга шундай дерди:

— Жаҳл ва ғазаб паст табақа одамларга эмас, ўзингдан юқори одамларга қаратилган бўлиши керак. Сенга тенг келадиган одам эса йўқ.

\*       \*

\*

Бировни мазах қилиш, ортидан кулиш каби номатлуб одатлар кишини ранжитади, озор чектиради.

Бир донишманднинг нақл қилишича, мазах ва ҳақорат иродали одамга таъсир этмайди. Аммо бўш ва иродасиз одамни ҳалок қилади. Мана, бунинг далили: Суқрот комедия ёзиб, мазах қилганларга кулги билан жавоб берди, Плиагр эса, ўзини осди.

## СЌЗ БИЛГАНГА НЕ ЕТСИН

Юлий Цезар ниҳоятда гапга чечан одам эди. Бир куни у кемадан Африка қирғоқларига тушаётиб, тўсатдан қоқилиб кетди-да, йиқилди. Лекин у бу кўнгилсиз воқеадан эсанкираб қолмай, ўша заҳоти: «Африка, мен сени қучаман!» — деб хитоб қилди.

\* \* \*

Бир куни Афлотун қандайдир фалсафий тушунча ҳақида фикр юритмоқда эди. Йиғилганлар орасида Афлотун «ақлдан озган Суқрот» деб кулги қилиб юрадиган файласуф Диоген ҳам бўлиб, у нутққа эътибор бермай ўтирарди. Жаҳли чиққан Афлотун унга қараб:

— Жим ўтириб эшитсанг-чи, ит! — деди.

Диоген шу заҳоти жавоб қайтарди:

— Мен ит каби сотилган жойимга яна қайтиб келган эмасман.

Бу билан у Афлотун тақдиридаги нозик бир нуқтага ишора қилмоқда эди.

Аммо Афлотун сўзида давом этаверди:

Ќз нафсига ҳоким бўлиб, уни тўғри йўлга бошлай олмаган киши қандай қилиб бировларни тўғри йўлга етаклай олиши мумкин.

Ёмон кишиларга улфат бўлмагинки, табиатинг сендан яширинча ўша ёмон кишиларнинг феъли билан ўзини безата бошлайди. Тилёғлама, мунофиқнинг сўзларига асло ишонма, чунки у сени ёлғон сўзлар билан зарурат юзасидан мадҳ этади. Яхшиликни арзимас деб ўйлама, ҳар битта кичик яхшиликнинг қадри ёмонлик олдида каттадир.

\* \* \*

Уч тоифа кишига одамнинг раҳми келади: жоҳилга қарам бўлган донога, кучсизга асир бўлган кучлига, бахилга муҳтож бўлган сахийга. Ярамас киши ўзгаларнинг ёмон томонини очишга, яхши томонини яширишга мойил бўлади. Бундай кишиларнинг иши одам

танасидаги ярани топиб, ўша ерга қўнган паишанинг ишига ўхшайди. Ўзгаларнинг мусибатига шодланмаслик керак, чунки замон ўтиши билан ўша мусибат кулган кишининг бошига ҳам тушиши мумкин! Оқил киши жоҳил билан, ҳушёр киши маст билан асло тортишмайди.

\*       \*

\*

Вольтер уйида зиёфат бермоқда эди. Бир руҳоний ҳаддидан ошиб, қуюшқондан чиқаверди.

— Сиз билан Дон-Кихот орасида қандай фарқ борлигини биласизми? — деб сўради бир пайт Вольтер ва ўзи жавоб берди. Дон-Кихот ҳар қандай карвонсаройни уй деб биларди, сиз ҳар қандай уйни карвонсарой деб билар экансиз.

Руҳоний шу гапдан сўнг Вольтернинг уйида кўп ўтиролмади.

\*       \*

\*

Бостонлик ношир мистер Фильдс хотираси ўткир одам экан. У инглиз адабиётини шу қадар яхши билар эканки, бирор киши инглиз ёзувчилари асарларидан бирор парчани қидирмоқчи бўлса, доимо мистер Фильдсга мурожаат қилар экан. Бир киши ноширни кўпчилик олдида ўсал қилмоқчи бўлибди. У уч-тўрт мисра шеър ёзибди-да, Фильдс келишидан илгарироқ зиёфатдаги меҳмонларни огоҳ қилиб, бу мисраларни Саутининг шеъри деб кўрсатмоқчи эканлигини айтибди. Барча йиғилгач, у Фильдсга мурожаат қилибди:

— Мистер Фильдс, кейинги пайтларда мен Саути шеърларидан қуйидаги мисраларни қидириб анча овора бўлдим. Сиз унинг қачон ёзилганини ва шоирнинг қайси асаридан топиш мумкинлигини айтиб беролмасизми? — деб ҳалиги парчани ўқиб берибди.

— Бу мисраларни илгари ҳеч учратмаганман, — деб жавоб берибди Фильдс. — Лекин бу мисралар Саути ҳаётининг фақат икки давридан бирида: қизамиқ билан оғриган болалик даврида ёки қариб-чуриб, ҳозир нима овқат еганини эслолмайдиган пайтларида ёзилган бўлиши мумкин.

Бу савол-жавобдан залда қаҳ-қаҳа янграбди.



Саъдий Шерозий Ҳамадон шаҳрига келган эди. Эрта билан карвонсаройда мис обдастада ювиниб турганида, унинг шерозлик эканини билган бир киши келиб, ялтираб турган обдаста қорнини кўрсатиб, Саъдийнинг сочсиз бошига ишора қилиб:

— Бу нима, шерозликнинг бошими? — дебди.

Шоир унинг саволини хотиржамлик билан тинглабди, лекин обдастадаги сув тугагунча индамабди, сўнг обдастанинг қорнига чертиб, унинг бўшлигига ишора қилиб:

— Йўқ, бу ҳамадонликнинг боши экан, — дебди.



Икки донишманд бир ҳокимнинг мажлисида ёнма-ён ўлтириб қолишди. Улар паст овозда суҳбатлашаётган эдилар, ҳоким:

— Сизлар қандай ёлғон-яшиқ гапларни тўқиштираяпсизлар? — деб пичинг қилди.

— Сизни мадҳ этмоқдамиз, — деб жавоб этишди зукколар.

## ЯХШИ СЎЗ ЁКИ МАТЛУБ АМАЛ БИЛАН

Бир куни Луқмони Ҳаким кўчада кетаётган экан. Қараса, сал олдинда бораётган бир қиз дам-бадам қон туфлармиш. Бунини кўриб, Ҳаким қорама-қора бораверибди. Қиз уйига кириб кетгач, дарвозани тақиллатибди. Бир мўйсафид чиқиб, шифокорни танибди ва уни уйга таклиф этибди. Гап орасида Луқмони Ҳаким: «Қизингиз бедаво дардга учрабди, афсуски муолажанинг иложи йўқ», — дебди. Унинг бу сўзларини ҳалиги қиз эшик орқасида эшитиб турган экан. Бирдан юраги дук-дук уриб, қалтираб йиқилибди ва ҳушидан кетибди. Хуллас, шу бир оғиз сўз оқибатида қиз руҳий дардга гирифтор бўлиб, оламдан ўтибди.

...Кунларнинг бирида қизнинг отаси Луқмони Ҳакимни учратиб қолибди. Шунда ота:

— Тақсир, қизим бедаво дардга чалинганини қандай билган эдингиз?— деб сўрабди. Луқмони Ҳаким дебди:

— Қизингиз кўчада кела туриб, бот-бот қон туфлаганини кўрган эдим.

Бу жавобни эшитган чол шарт этиб, ўз пешанасига урибди. Кейин сал ўзига келгач:

— Э аттанг, қизим ўша кун шотут еб эди, сиз кўрган туфук шотут шарбати-ку! Эй аттанг!...— дебди.

Шунда Луқмони Ҳаким чол олдида тиз чўкиб, узр сўрабди:

— Сиз менга ва биздан сўнгги авлодларга унутилмас сабоқ бердингиз. Бир сўз билан соппа-соғ одамни ўлдириш ёки беморни оёққа турғизиб юбориш мумкин экан! Юнонликлар «Дардни билмасанг, яхшиси сен беморни тинч қўй» деб бежиз айтмаган эканлар,— дебди.



Подшо филининг куни битиб қолаётган экан, уни қишлоққа жўнатишибди. Қишлоқ аҳолисига кимдаким подшога филнинг ўлими ҳақидаги хабарни етказса, ўша одам қатл этилади, деб айтишибди. Қишлоқ аҳли фил ўлиб қолишидан қўрқиб, уни роса парвариш қилишибди. Лекин фил тез орада оламдан ўтибди. Халқ буни кўриб бу мудҳиш хабарни қандай айтамыз, деб азият чекибди. Шунда бир доно:

— Дўстлар ташвишланманг. Мен ўзим бориб айтаман,— дебди.

Ҳалиги киши подшо саройига келиб:

— Подшо ҳазратлари, севимли филингиз овқат емаяпти, сув ичмаяпти ва ҳатто нафас ҳам олмаяпти,— дебди таъзим қилиб.

— Нима, ўлдими?— сўрабди подшо.

— О жаноб олийлари, бу сўзни мен эмас, сиз айтдингиз,— дебди доно.

Подшо зукко кишининг ўткир зеҳнига қойил қолиб, уни мукофотлабди.

\*       \*

\*

Ака-ука имомлар бор экан. Акаси бир маҳалла масжидида йигирма йилдан ортиқ имомлик қилар экан. Укаси аксинча, масжиддан масжидга қувилиб юраркан, чунки уни қавм ёқтирмас экан. Бир куни ука акасидан шу ҳақда маслаҳат сўрабди. Акаси: «Мен билан масжидга бор»,— деб қўя қолибди. Акаси меҳробга ўтиб, имомлик вазифасини бажарибди. Қавм тарқалиб, уй-уйига кетибди. Шунда ука:

— Ака, сиз «калковсар» сўзини адашиб «кайковсар» деб ўқидингиз,— дебди.

— Ҳа, ана энди эшит,— деб сўз бошлабди ака,— даҳа аҳлини ётқизиб-турғизадиган бир ўжар ва нодон кал қози бор. Агар мен эҳтиёткорлик билан чора кўрмасам, тўппа-тўғри «калковсар» деб ўқисам эди, бу кал қози ўша кунийёқ менинг таъзириمنى берарди...

\*       \*

\*

Бир доно кўчада кетиб бораётса, болалар гуж бўлиб ҳадеб бир девор тешигидан қарашаётган эдилар. Тешикдан қараса, ошиқ-маъшуқ бир-бирининг висолидан мамнун бўлиб ўтирибди. Шунда доно тешикка кесак қўйиб, устини лой билан суваб кетган экан.

Шоир:

Қарашга нораво нарсага кўр бўл,  
Тинглашга нолойиқ гап-сўзга кар бўл,  
—деб хўп гапни айтган.

\*       \*

\*

Бир киши атторлик қилар экан. Унинг қонига бир аёл харид учун келиб, тиз чўкибди. Шу вақтда унинг қорни қуриллаб кетибди. Аттор, аёл уялмасин деб, қўли билан қулоғига ишора қилибди-да:

— Қизим қаттиқроқ гапир, қулоғим эшитмайди,— дебди. Шу гапдан сўнг ерга кириб кетай деган аёл ҳийла ўзига келиб қолибди.

\*       \*  
\*

Бир ҳайкалтарош ўзининг мўл-кўл дастурхонини ташлаб, Афлотун академиясининг зиёфатига борди. Бу ерда тансиқ таомлардан бирон луқма топилмас эди, аммо доноларнинг ҳар сўзи, ҳар луқмаси кўнгилни чароғон қилар эди. Шу куни ҳайкалтарош уйига қушдай енгил бўлиб қайтди. Шундан сўнг у оз овқат билан қаноатланишга аҳд қилди. Зиёфатнинг эртаси куни Афлотунни учратиб қолганда эса:

— Сизнинг овқатларингиз танаввул қилинган кундан кўра, эртанги кун учун фойдалироқ экан,— деди.

\*       \*  
\*

— 90 йилдан зиёд умр кўрдингиз. Узоқ умр кўриш сирларидан воқиф қилсангиз?

— Бир кун менга овқатни 15 минут кеч беришди, шунинг аламига ҳануз чидай олмайман. Овқат ўз вақтида фарз.

\*       \*  
\*

Мана бу олтин гапларни Умар Ҳайём айтади:

Кимнингки бор эса бир бурда нони,  
Ўзига яраша уй-ошёни,  
На биров унга қул, на у бировга  
Айт, шод яшайверсин, ҳушдир замони.

\*       \*  
\*

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир ака-ука бор экан. Бири подшоҳ саройида хизмат қилар, иккинчиси эса, ўз қўл кучи билан кун кўрар экан. Бир кун бой ака фақир укасига қараб: «Нега подшоҳ саройида хизмат қилмайсан, машаққатли меҳнатдан халос бўлардинг?»— дебди.

Укаси: «Хўш, ўзинг нега меҳнат қилмайсан, шоҳ олдида хўрланишдан қутулардинг? Ахир, донолар айтганлар-ку: «Олтин камар тақиб подшо хизматида тургандан кўра, яримта нонингни еб, тинч ўтирганинг яхши»,— деб.



\*       \*

\*

Амир Темур хос сартарошига соч олдираётган экан, устараси жаҳонгирнинг бўйнига яқин келганда, сартарош: «Бўғизлаб юборайми?» — дебди. Амир Темур сартарошни тепиб юборибди-да, вазирини чақириб, бўлган ҳодисани айтибди. Сартарошни ҳукмикушга буюрибди.

Вазир: «Ахир, сартарош синашта одам эди-ку», — деб ўйлабди ва сартарош турган ерни қазитиб кўрибди, у ердан Амир Темур давлатига тенг хазина топилибди.

Вазир: «Сартарошни қутиртирган нарса — мана шу хазина эди», — дебди ва сартарошнинг бир қошиқ қонини тилаб олибди.

\*       \*

\*

Қаҳратон қишда Аёз тўқиган бўзларини эриқдаги сувда чайиб турган экан. Шоҳ вазирлари билан кўчадан ўтиб қолибди. Салом-аликдан сўнг шоҳ:

— Аёз, учдан тўртни чиқаролмадингми? — деб сўрабди.

— Йўқ, тақсир, — дебди Аёз таъзим ила.

— Ундай бўлса, иккита ғоз юбораман. Яхшилаб патини юл.

— Хўп бўлади.

Вазирлар бу гапларнинг маъносига тушунишмабди. «Шоҳ нима ҳақда сўзлашдик», деб сўраб қолса, нима деймиз, деб бош қотиришибди.

Кечки пайт иккала вазир Аёз билан учрашибди.

— Аёз, шоҳ билан нима ҳақида гаплашдингиз? — сўрашибди вазирлар.

— Айтмайман, — дебди Аёз.

Вазирлар ялиниб-ёлвориб, мол-дунё ваъда қилибди. Ниҳоят Аёз ваъданинг нақд тўланишини сўрабди. Вазирлар бунга ҳам бажо келтиришибди.

Аёз бундай дебди:

— «Учдан тўртни чиқаролмадингми»нинг маъноси: уч фасл, яъни баҳор, ёз, куз ишлаб тўртинчи фасл — қишни таъмин қилолмадингми, — дегани. Мен шоҳга: «Йўқ» дедим. Шоҳ: «иккита ғоз юбораман.

яхшилаб патини юл»,— деди. Маъноси: «Вазирларим тушунмади, келиб сендан шоҳ билан нима ҳақида суҳбатлашдингиз»,— деб сўрашади. Мана, сизлар келдингизлар. Патингизни юлган бўлсам керак.

\*       \*

\*

Шоҳ доно Аёзни ўзига вазир қилиб олибди. Ғанимлар шоҳга: «Қандай қилиб бўзчи вазир бўла олади»,— дейиша берибди:

Шоҳ:

— Аёз кўрпачасининг тагига юпқа қоғоз қўйинглар, кўрайлик-чи, нима бўлар экан,— дебди.

Аёз ўтирадиган кўрпачанинг тагига бир варақ хитой қоғози қўйишибди. Аёз келиб ўтириши биланоқ бир пастга, бир осмонга боқибди. Шоҳ Аёзга: «Нима гап?» — дегандек боқибди. Шунда Аёз:

— Ер пиёз пўстича кўтарилган, ёки осмон пиёз пўстича пастга тушган,— дебди.

Аёзнинг бу гапини эшитган ғанимлар сўвга уриб кетишибди.

\*       \*

\*       \*

Ақл илмга пайванд бўлса, киши башорат қилиши ҳам мумкин. Амир Темурнинг қошида учта донишманд мунажжим бор экан. Амир Темур улардан:

— Фалончи душманимнинг тақдири нима бўлди?— деб сўрабди.

Мунажжимлардан бири:

— Душманингиз ҳозиргина милтиқ ўқидан ўлди,— деб жавоб берибди.

Иккинчи мунажжим:

— Йўқ, шоҳим, у дархтдан йиқилиб ўлди,— дебди.

Учинчи мунажжим:

— Душманингиз сувда ғарқ бўлиб ўлди,— дебди.

Мунажжимларнинг сўзи ҳали тамом бўлганича йўқ эди, бир чопар кириб, ер ўпибди:

— «Шоҳим. Бир аскарингиз булоқдан сув ичай деб энгашса, сувда шоҳона кийинган кишининг аксини кўрибди. Бошини кўтариб қараса дарахт устида

беркиниб ётган одамга кўзи тушибди. Милтиғи билан отган экан, у қулаб булоққа тушибди. Ўлигини сувдан тортиб олди»,— дебди.

\*       \*

\*

Кунларнинг бирида шоҳ Маҳмуд Ғазнавий ўз яқинлари билан болахонада ўтирган эди. Болахонанинг тўртта эшиги бор эди. Подшо Абу Райҳон Берунийга боқиб:

— Шу тўртта эшикнинг қайси биридан чиқиб кетаман. Жавоб ёзиб, гилам тагига қўй,— деди.

Беруний жавоб ёзиб, гилам тагига қўйди. Маҳмуд Ғазнавий усталарни чақириб, болахонанинг шарққа қараган деворидан эшик очдирди. Шу эшикдан чиқиб кетди. У қайтиб келиб Беруний ёзган хатни талаб қилди. Хатда: «Тўртта эшикнинг биттасидан ҳам чиқмасиз, шарқ томондан тешик очиб, чиқиб кетасиз»,— деб ёзилган экан. Ғазабланган Султон «Абу Райҳонни ҳовлига улоқтиринглар» деб буюрди. Болахонадан пастга улоқтирилган Беруний томдан тортилган тўрга тушди, тўр тешилди-да, у енгилгина ерга қўнди. Бундан хабардор шоҳ Берунийдан:

— Сен бу ҳодисани ҳам олдиндан билган эдингми?— деб сўради.

— Оҳ, шоҳим, билган эдим, саломат қолиш учун керакли тадбирларни кўриб қўйган эдим,— деб жавоб берди Беруний.

\*       \*

\*

Шоҳнинг буйруғига биноан кечаси эркак билан аёлнинг бирга юриши тақиқланганди. Бир кеча миршаблар баногоҳ бир киши билан чодир ёпинган аёлни учратиб қолдилар. Миршаблардан бири йўловчиларни тўхтатиб, эркакдан сўради:

— Шоҳнинг қароридан хабаринг борми?

— Йўқ...

— Ким бу аёл?

У одам:

— Жонимнинг жононаси, юрагимнинг садпораси,— деб жавоб қилаётган ҳам эдики:

— Шу одамнинг онаси.

Онамнинг қайнонаси,— деб сўзга аралашди ёнидаги аёл.

Миршаблар гапнинг мағзини чақиш учун ўзаро мунозара бошлаб юбордилар. Бири ундоқ деди, бири бундоқ деди.

Унгача йўловчилар кўздан ғойиб бўлган эдилар. Қани ўйлаб кўринг-чи, ҳалиги одамнинг кими бўлди экан бу аёл?...

## НОМАТЛУБ ХУЛҚ ВА АТВОР ҲАҚИДА

Луқмони Ҳаким шогирдларига насиҳат қилиб:

— Ғийбатчи, бахил ва дангасадан ҳазар қилинг,— деди.

Шогирдлар изох сўрадилар. Ҳаким жавоб берди:

— Ғийбатчининг дўсти, бахилнинг ҳамроҳи бўлмайди, дангасанинг иши беунум бўлади. Бинобарин, бедўст, беҳамроҳ, бебарака ҳаётнинг маънисини бўлмайди.



Шоҳ донишманддан сўрабди:

— Ёмон одам деб кимни айтмоқ керак?

— Беандишани,— дебди донишманд.

«Бу гапни мавруди билан синаймиз», деб ўйлабдида, шоҳ индамай қўя қолибди. Бир кун улар овга чиқибдилар, тоғу тошлар оша бир манзилга етибдилар. Қарасалар: гўзал бог, ҳушовоз булбуллар, муаттар гуллар. Улар шу оромгоҳга қўнибдилар.

Богбон меҳмонларни ҳушнуд этмоқ учун елиб-югурибди. Аммо тез-тез ичкари ҳовлига хавотирланиб қарайверибди. Бу ҳолдан хабардор шоҳ вазирдан сабабини сўрабди. Вазир: «Хотини нобоп, беандиша бўлса керак»,— дебди.

Бир пайт богбоннинг хотини косов кўтариб, кичик ўғлини қувлаб чиқиб қолибди, унинг оғзидан боди кириб, шоди чиқар экан.

Меҳмонларнинг ҳам, мезбоннинг ҳам таъблари хира, кўнгиллари вайрон бўлибди. Бог ҳам, ноз-неъмат-

лар ҳам, меҳмондўст боғбон ҳам уларнинг чиройини очолмабди. Шоҳ ичида донишманднинг сўзи тўғрилигига тан берибди.

\*

\*

Икки дўст учрашиб қолишди. Улардан бири деди:

— Дўстим, бир яхши ҳикоя ўқидим, сен ҳам тингла.

— Қулоғим сенда, гапир, ўртоқ.

— Тўрт киши Африка бўйлаб саёҳатга чиқишди,— деб гап бошлади ҳалиги дўсти. Йўлда уларнинг озиқ-овқатлари тугаб, икки кун туз тотмадилар. Ниҳоят, бир қаровсиз кулбага етиб келишди. Шунда саёҳатчилардан бири:

— Биз бирор нарса топиб овқатланишимиз керак. Мен чиқиб, бирорта ҳайвонни отиб келаман деди-да, кулбадан чиқиб кетди. Бир оз юргандан сўнг у тўсатдан баҳайбат бир шерга дуч келиб қолди. Шер ҳам оч экан, саёҳатчининг орқасидан қувлаб кетди. У эса, қўрққанидан орқасига қарамай, кулбага томон қочди. Кулбага энди етганида қоқилиб, йиқилиб тушди. Қувиб келаётган шер... шер....

— Ҳа, у ёғи нима, гапирсанг-чи? — сўради дўсти бетоқатланиб.

— У ёғини билсам айтиб берардим, бироқ китобнинг кейинги саҳифаси йўқ, йиртилган.

— Қайси нодон китобни йиртибди? — деб юборди дўсти аччиқланиб.

— Ҳа. Бор экан-да, шундай нодон,— жавоб берди у. Шундай қилиб, икки дўст ширин овқатга тўймагандек, ночор қолавердилар.

Варағи йиртилган китоб майиб китоб ёки бамисоли қанотсиз қуш.

\*

\*

\*

Ўтакетган уятчанлик, тортинчоқлик ҳам ярамайди. Уялиб баъзилар овқат татимайдилар, оч қоладилар, билмаганини сўрамайдилар, ожиз ва ночор қоладилар. Шунинг билан бирга ҳаётда мана бунақаси ҳам учрайди.

Бир меҳнаткаш, мўмин ва қобил йигитни тўй қилиб қимдир ўзига ичкуёв қилди. Эрта саҳар куёв гўшаң-

гадан чиқар экан, у қайта ичкарига киришга журъат  
этолмади. Бунинг устига: «Келинг, келақолинг» дей-  
диган янга ёки бирор зукко киши топилмади. Куёв  
бола бир дам ҳовлида туриб қолди-да, сўнг беихтиёр  
кўча эшик томон равона бўлди. Шу кетганича ғойиб  
бўлди...

Келин гўшангада ҳайрон ва дили вайрон қолаверди.

## ОНАЛАР ҲАҚИДА

Суннатилло ўғли билан қизини олиб келганда, боғ-  
ча опа болаларга разм солди-да:

— Уйда келинойим йўқмилар,— деб қолди.

— Ие, унинг уйда эмаслигини қандай билдин-  
гиз?— сўради Суннатилло.

— Ботинкалар ипи чиройли бойланмаган, қизин-  
гизнинг пальтосининг тугмаси йўқ, деди боғча опа,

\*     \*

\*

Бир ота уйли-жойли бўлиб кетган ўғилларидан ха-  
бар олиш учун йўлга чиқди. Кечки пайт манзилга  
етиб, бир ўғлининг эшигини қоқди. Атрофга назар  
ташлаб, анчадан бери сув сепилмаганини, супурги тег-  
маганини билди. Бир оз вақтдан сўнг аёл киши кўрин-  
ди. Эрининг уйда йўқлигини айтиб, ичкарига кириб  
кетди. Ота кўчада тонг оттирди. Йўлга отланар экан,  
аёлни чақириб:

— Эрингизга айтинг, остонасини бошқа қилсин,—  
деди.

Ота ўша куни иккинчи ўғлиникига етиб борди. Ик-  
кинчи эшикни қоқди. Атроф-теварак ҳийла покиза.  
Эшикни қоқиши биланоқ бир озғин аёл кўринди. Йў-  
тала-йўтала эрининг уйда йўқлигини айтди. «Марҳа-  
мат, уйга кириб дам олишингиз мумкин»,— деди га-  
пида давом этиб. Ота кўчада тунади, аммо аёл чой,  
нон билан йўқлади уни.

Эртаси ота йўлга отланар экан, ҳалиги аёлга:

— Эрингизга айтинг, остонасини тузатиб олсин,—  
деди.

Ота қуёш ботганда, учинчи ўғилникига етиб келди.  
Кўча, йўлак, майдон ёғ тушса ялагудек топ-тоза ва

обод эди. Эшик қоқиши билан бир аёл: «Ассалому-алайкум»,— дея пешвоз чиқди. Қўярда-қўймай отани ҳовлига киргизиб, супадан жой кўрсатди. Фотиҳадан сўнг дастурхон ёзиб, меҳмон қила кетди. Эртаси ота йўлга отланар экан:

— Эрингизга айтинг, остонасини маҳкам қилсин,— деди.

Турмуш уринишларидан қайтган биринчи ўғил хотинидан ҳалиги гапни эшитиб:

— Яхшиликча ажралишайлик. Сен умр йўлдошликка ярамас экансан,— деди.

Иккинчи ўғил хотинига:

— Юр сени табибга кўрсатай,— деди.

Учинчи ўғил эса:

— Отангга, онангга раҳмат, яхши хотин экансан, ўша сен айтган мўйсафид менинг отам бўладилар,— деди.

\*       \*

\*

Бир уста нафис ва нозик тароқлар ясар экан. Устанинг ҳунарига қойил қолган томошабинлар ўзлари ҳар хил мулоҳаза юритишибди.

— Устанинг ўзи уста эмас, уни уста қилган асбоби. Асбоб соз бўлса, ишинг чиройли чиқади,— дебди бири.

— Йўқ, хато кетдингиз,— дебди иккинчиси,— ҳадеб бир ҳунарни қилаверсангиз, у санъатга айланиб кетади.

— Йўқ,— дебди уста гапга қўшилиб,— асбоб соз бўлиб, ҳунар санъатга айлангани билан, уйинг нотинч бўлса, ишинг силлиқ чиқмайди. Тўғри ташланган теша мўлжалга тушмайди. Уйдан тинчлигинг — тубсиз бойлигинг, деб бекорга айтишмаган.

\*       \*

\*

Бир кишиникига меҳмон келибди. Нон-чойдан сўнг мезбон келинга: «Бирон ширин палак қовун танлаб чиқинг»,— дебди. Келин: «Хўп бўлади», деб уйига кириб кетибди. Уйда бор-йўғи битта қовун бор экан. Келин қовунни туйнукдан кўрсатиб:

— Дада, шу қовун бўладими?— деб сўрабди. Шунда ота:

— Йўқ, бошқасини танланг,— дебди. Келин қовун-  
нинг бошқа томонини кўрсатиб:

— Дада, мана буниси-чи?— деб сўрабди.

— Ҳа, балли, бу танлаганингиз ширин чиқса ке-  
рак, олиб кела қолинг,— дебди қайнотаси.

## ТАБАССУМГА МОЙИЛМИСИЗ

Шифокорни қишлоққа касал кўргани чақиришиб-  
ди. Қоғоз бўлмагани учун шифокор дорини эшикнинг  
палласига ёзиб кетибди. Уй эгаси эшик палласини кў-  
чириб, доригарга элтибди. Доригар кўп пул сўрабди.  
Деҳқон шифокорга келиб:

— Энди доримни деразага ёз, арзонроқ тушади,—  
дебди.

\*       \*

\*

Бир кимсани ярим кечада ит қошибди. У шу ондаёқ  
шифокорникига келибди. Шифокор тажанг бўлиб:

— Нега сен бевақт келдинг, биласанми ҳозир қай-  
вақт?— дебди.

— Мен-ку биладан, лекин мени қопган ит билмай-  
ди-да,— дебди ҳалиги одам.

\*       \*

\*

Бир рассом бегона шаҳарга келиб, шифокорлик қи-  
ла бошлабди. Бир неча вақтлардан сўнг таниши учраб  
қолибди.

— Қандай иш қиляпсан?— деб сўрабди таниши.

— Шифокорлик қиляпман,— деб жавоб берибди у.

— Нима учун?

Чизган расмларимда хатомни эл биларди, энди эса  
хатомни ер беркитади.

\*       \*

\*

Бир амир оёқ оғриғи бўлиб, ўз қошига шифокорни  
чорлабди.

— Тезда оёғимни тузат, менинг зарур ишларим  
кўп, менсиз давлат ишлари барбод бўлади,— дебди.



— Тиришиб кўраман. Лекин давлат ишларини оёқ эмас, бош ҳал қилар эди-ку,— дебди шифокор.

\*       \*

\*

Бир ҳакимни бемор кишини кўриш учун таклиф этдилар. Шунда Ҳаким:

— Бемор овқат ейдими,— деб сўради.

— Ейди, тақсир, ейди.

— Айтинг-чи, бемор табиятан қувноқ кишими ёки йўқми?

— Қувноқ, тақсир, қувноқ.

— Ундай бўлса,— деди Ҳаким йўлга отланар экан,— бемор тезда шифо топиб кетади.

\*       \*

\*       \*

Мезбон дўстини меҳмон қилиб турган эди. Бир вақт жуда кўп ўрик олиб келишди. Меҳмон бетўхтов ўрик еяберди. Мезбон унинг соғлиғига путур етмасмикин, деб қўрқди. Ниҳоят, унга:

— Донолар ўрик ични бузади, зардани қайнатади дейдилар,— деди.

Дўсти унга боқиб:

— Шунинг билан бирга донолар: «Мезбон меҳмонга шифокорлик қилмасин деганлар»,— деди.

## ҲАР ТЎҒРИДА

Киреналик (Шимолий Афина, қадимий Юнонистон колонияси) Аникерид чавандозлик ва арава ҳайдаш маҳорати билан машҳур эди. Бир куни у ўз санъатини Афлотунга кўрсатмоқчи бўлди. Отларни аравага қўшиб, Академия боғига елдириб кетди. У, аравани шундай усталик билан ҳайдардики, ҳар қайтганида филдирак изи олдинги из устига хатосиз тушарди. Йиғилганлар йигит маҳоратига қойил қолишди. Аммо Афлотун Аникериднинг бу машғулотини маъқулламади ва шундай деди:

— Бундай арзимас нарсаларга берилган киши бирор жиддий иш билан шуғуллана олмайди, чунки,

унинг ақли майда-чуйда нарсалар билан банд бўлиб, чиндан ҳам ажабланишга арзийдиган нарсаларни сезмайди.

\* \*  
\*

Аёллар йиғинида бир ёш жувон барчанинг диққатини ўзига жалб этди. Кийими оддий, оройиши табиий бўлиб, боодоб сўзлашарди. Гапга қулоқ соларди. Хизматни югуриб, елиб бажарар экан, «яна буюринг» дегандек фармонбардор турарди. Шунда бир кекса аёл:

— Бу келин уста кўрган. Келиннинг устози қайнона. Қайнонали келин — қарқара келин, қайнонаси келин — тасқара келин, — деди.

\* \*  
\*

Бир муштипар она ўғилларини уйлантириш учун бўлғуси келинга эмас, қизнинг онасига назар ташларди, суҳбатлашарди.

— Бу нимаси ойи? — деб сўрашса, она:

— Онасини кўриб, қизини ол, — деб жавоб берарди. Бир кун у иттифоқо етти қиз туққан онага дуч келиб қолди, суҳбатлашди ҳам. Уйга келиб фарзандларига:

— «Етти қизнинг онасини кўрдим. Ҳанузгача келинчакдек иш тутади. Уйи саранжому саришта, ҳовлиси ёғ тушса ялагудек покиза. Қизлар одатда оналарига ўхшаб ўсадилар, рўзғор тутадилар. Агар сизлар ҳам бўлажак қайлиқларингизни қадрласанглар, фароғатда яшайсизлар. Бу ёғи сизларга боғлиқ», — деди она.

\* \*  
\*

Бир мўмин қобил киши икки гапнинг бирида «ҳақиқат қарор топади» дер эди. Иттифоқо у бир жиноят устидан чиқиб қолди. Миршаблар: «Қотилсан», — деб уни қозининг қошига олиб боришди. Сўроқ-жавоблардан масала ойдинлашмади. Ҳалиги киши: «Ҳақиқат қарор топади», — деб тураверди. Қози уни қатл этишга ҳукм чиқарди. Жаллодлар ҳозирлик кўраётган эдилар, томошабинлар орасидан бир киши олдинга чиқди-да:

— Қотил мен,— деди. Сўроқ-жавоблар туфайли қотил жинойтни батафсил айтиб берди, айбини бўйнига олди.

Гумон билан ушланган киши сиртмоқдан озод бўлар экан:

— Ҳақиқат қарор топгунча, жон ҳалқумга келиб қолар экан,— деди.

\* \* \*

Ака билан ука деҳқончилик қилиб, халқ олдида иззат ва ҳурмат билан яшар экан. Лекин ака сўққабош бўлиб, укаси эса аксинча серфарзанд экан. Ака: «Укамнинг бола-чақаси кўп, рўзғордан қийналиб қолмасин»,— деб ҳар кеча укасининг омборига бир қоп буғдой тўкиб кетар экан. Ука бўлса: «Акамнинг кўнгли ярим, унга кўмак бўлсин»,— деган хаёлда ҳар кеча омборга бир қопдан буғдой ташлаб кетар экан.

Ана шуни айтишади-да, аҳиллик бор жойда барака ҳозир деб.

\* \* \*

Луқмони Ҳакимдан сўрашди:

— Ака яхшими ё дўстми?

У жавоб берди:

— Ака агар дўст бўлса....

\* \* \*

Фуше Робеспьерга:

— Мени ўзингга дўст эт,— дейди.

— Йўқ, душманлигингча қолавер, шунда мен учун унча хавфли бўлолмайсан,— деди Робеспьер.

\* \* \*

— Мегарага қанча масофа қолди,— деб сўради бир йўловчи.

— Йўлингга давом этавер,— деб жавоб берди кекса ва йўловчининг қадам босишини кўриб:

— Қош қорайганда Мегарага етасан,— деди.



Бир кишига отасидан катта мерос қолди, лекин у шу кундан бошлаб меҳнатга яна ҳам қаттиқроқ киришди.

Одамлар:

— Шунча мол-дунёга эга бўла туриб, меҳнатга берилиб кетишингизнинг боиси нимада,— деб сўрадилар.

— Пешана тери билан меҳнат қилсам, уйлансам, бола-чақа орттирсам, улар пок, соғлом ва бақувват ўсадилар, ҳалол ҳаёт кечирадилар,— деб жавоб берди у.



Бир канизак меҳмонлар учун дастурхон ясата туриб бирдан «вой» деди-ю, букилганича қолаверди. Шоҳ Абу Мансур ҳакимга (Абу Али ибн Синонинг устози) маъноли боқиб: «Иложини топинг»,— дея имо қилди. Абу Мансур канизакка шунчалик яқин келдики, канизак уялганидан қаддини ростлаб, ишини давом эттиришга мажбур бўлди.

Шарм ва ҳаё, уятчанлик оғриқдан устун чиқди.



Шаҳар ҳокими Фазл ибн Яҳё кўкрагида мохов касаллигининг аломатларини кўриб қолди, кўн қайғурди. Даволаниш учун бирор тажрибали шифокор тополмади. Бир кун тасодифан форс шифокорига дуч келиб қолди, дард — касалини айтди. Шифокор қатъий парҳез буюрди. Фазл ибн Яҳё «шу ҳам муолажа бўптими» деб парҳез қилмади. Уч кундан сўнг шифокор бемордан хабар олгани келди ва унинг пешобидан парҳез қилинмаганини билди. Шунда у:

— Сиз жаноб, мен айтган нарсаларга бепарво қарабсиз, парҳез ҳам қилмабсиз, бинобарин сизни даволашдан ожизман,— деди. Фазл ибн Яҳё икки қўлини кўксига қўйди-да:

— Баракалло, мана энди сизга ихлос қўйдим, айтганларингизни бажону дил бажараман, буюринг,— деди.



Луқмони Ҳаким томир уришини билакка бойланган ипдан ҳам билар экан.

Бир кун шогирдлар ипнинг учига мушукни бойлашибди. Луқмони Ҳаким ипнинг иккинчи учидан ушлаб:

— Касалинг йўқ. Сичқон гўштига муштоқсан,— дебди.



